



Беш йилликни мўддатидан илгари бажарамиз



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖЖАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ИЛ
ЧИҚИШИ

№ 167 (4883).

24
АВГУСТ

Ж У М А

1973 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари министрилик қорхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилишнинг саккиз ойлик планини мўддатидан олдин бажардилар. Август ойининг охиригача тошхона қўшимча равишда яна 5 миллион 600 минг сўмлик турли маҳсулот реализация қилинади. Август ойида министрилик қорхоналари пиландан ташқари маҳсулот реализация

қилиш борасида беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили учун асосларига олган социалистик мажбуриятни ҳам бажардилар. Пиландан ташқари реализация қилиш учун мўлжалланган 5 миллион сўмлик маҳсулот ўрнига 5 миллион 600 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Пиландан ташқари шифер, асбомент қувурлар, оқак, дераза ойнаси, линолеум, сопол плиталар, чўян ванналар, гранитдан ясалган плиталар ва блоklar ишлаб чиқариш бўйича олдинги йиллик мажбуриятлар ҳам бажарилди.

(ЎзТАГ).

90 ПРОЦЕНТ ҲОСИЛНИ МАШИНА БИЛАН ТЕРАМИЗ

Пахтакорлар теримга ҳар та- рафлама пухта тайёргарлик кўриш учун ҳаракат қилмоқдалар. Далада гўза парваришнинг давом эттириш билан бирга теримга пухта ҳозирлик кўришмоқда.

Пахтачиларда энг муҳим нарсаси машина теримини пухта уюштиришдир. Колхозимиз аъзолари бу йил ҳосилдорликни анча ошириш, шу билан 4320 тонна пахта етиштириш мажбуриятини олганлар.


Колхознинг оғирини енгил, узогини яқин қилувчилар механизаторлардир. Агар улар астойдил кема»лардан самарали фойдалансалар 1600 гектар майдонда етиштириладиган мўл ҳосилни жадал териб олишда бизга қиёнаман маддидор бўладилар. Маррага тезроқ етишда амалий ёрдам берадилар. Бу ҳақиқатни колхозимиз механизаторлари яқин тўшундилар. Улар бу йил пахта теримига ҳар қачонгидан ҳам яқин тайёргарлик кўриб, 2585 тонна пахта ҳосилни «зангори кема» бункерларидан тўшишга аҳд қилишди.

Биз бошқа хўжалик механизаторлари сингари машина билан пахта теримда ҳозирча юқори натижаларга эришса олганимиз йўқ. Умуман ўтган йиллари машина билан пахта териш планлари тўла бажарилмай қолди. Бунга машиналар яқини ремонт қилинмагани, бунинг устига дуруст машиналарни айрим механизаторлар яқини бошқара олмагани сингари ҳоллар сабаб бўлди.

Бу йил ўша камчиликларга йўл қўймаслик учун бир қатор тадбирлар кўрилмоқда. Машиналарнинг сифати яхшиллашмоқда. Колхозимизда 34 та пахта териш машинаси бор. Шулардан 6 таси «Ўзбекистон» ва 2 та 17х1,8 маркали машина со- тиб олинди. 9 та машина «Ўз- селхозтехника» БУНА район бирлашмаси устахонасида на- пилат ремонт қилинди. 2 та ерга тўзилган пахтани тарадиган 5 та курак тарадиган, 9 та қўсак чувиш, 48 та принцип ремонт- дан чиқариб қўйилди.

Илгор механизаторлар бу йил кўпроқ пахта териб колхоз- чиларга астойдил ёрдам бериш учун ўз зиммаларига шахсий мажбуриятлар олмоқдалар. Ма-

Дехқон ГҲЛМАТОВ,
Пискент районидан Свердлов номи колхоз бригада бошлиғи.



ТЕРИМ ОЛДИДАН

Пахта йиғим-терим мавсуми аяқлашмоқда. Бу йил 4 миллион 750 минг тонна «оқ олтин» териб олишимиз лозим. Бу—беш йиллик учинчи, ҳал қилувчи йилнинг юксак марраси. Дала ишларининг суръати ва сифати механизатор мавсуми нақадар шай қилиб олишга боғлиқ.

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг навбатдаги маълумотида бундай дейилади: август ойининг ўрталарида республикада 22.505 «зангори кема» шай қилиб қўйилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,9 мингта машина кўдир. Самарқанд области машиналар ремонт- тили республикада ҳаммадан олдин тугалланди. Бу ерда 2.583 машинанинг ҳаммаси ре- монтдан чиқарилиб, шу маши- наларни пахтазорларга олиб чи- қиш учун механизаторларга «пропусклар» берилди. «Ўз-

сельхозтехника» устахоналари- да ремонт қилинадиган агрегат- лар учун механик-ҳайдовчилар гарантияланган талонлари, те- рим чоғида машиналар бензў- сон ишлаши ҳақида гувоҳнома- лар олашди.

Андижон, Бухоро ва Сир- дарё областларида «зангори ке- ма» ремонтни тугаллаб деб қолди.

Хўжаликлар курак чувиш машиналари, поғрузчиклар ва тўкилган пахтани териб олади- ган машиналар, курак териш машиналарини мавсумга ўтган йилдаги нисбатан бир юзча тез тайёрламоқдалар. Йиғим- терим қилиш бошланг кетган пайтда Ўзбекистоннинг пахта трассаларида «оқ олтин»ни қоп- қорловчи ташиндиги қарийб 68 мингта принцип чиқди. Транс- порт тележаларининг 83,5 проценти тайёр қилиб қўйилди. Вақт механизаторларини шошир-

моқда: пахта барвақт, қийғос очилиши кутилмоқда.

Пахтакорлар янги машиналар оладилар. «Ўзсельхозтехника» савдо базалари колхоз ва совхозларга кенг қаторлаб пахта тарадиган «17 ХВ—1,8» мар- кали 2,2 мингта машина, қатор оралари 90 сантиметр келадиган эгатларда ишловчи ХН3,6 маркали турт қаторли 260 дан ортиқ агрегат оладилар. Рес- публиканинг жанубидан хўжа- ликлар янги чика толали пахта териш учун мослаштирилган янги «зангори кема»ларнинг дастлабги туркумини оладилар. Заводлар кенг қаторларда кў- рақ тарадиган СКО-3,6 мар- кали куллаб машиналар етказиб беришди. Электр ёрдамида иш- лайдиган курак чувиш маши- налар механизаторлар ихтиёрига келтири бошланди. Бу йил кол- хоз ва совхозлар яна 10,7 мингта трактор принци олиша- ди. (ЎзТАГ).

♦ УРТА ЧИРЧИҚ районидан Киров номи ўқув-тажриба хўжалигида пахтадан мўл ҳосил етиштириётган бригада ва эвено лар кўп. Эргаш Маткаримов ана шундай илгор эвено бошлиқлар- дан бири. У бошлиқ эвено аъзолари гектардан 32 центнердан хо- сия олиш учун курашмоқда. Суратда (чапдан): эвено бошлиғи Э. Маматкаримов, (ўртада) ремонтдан чиқарилган терим агрегатлари. А. Абдиди фотолари.

МОХИР СУВЧИ

Душобой Олломурадов кўп йиллардан бери 4-«Далварзин» совхозда сувчилик қилади. Зар қадрини зарғар билди, деган- дай, Душобой ака гўзани суғу- риш ишнинг муҳимлигини ай- ниқса яқин тўшунди. Далвар- зин чўлининг ўзига хо ҳусу- ситларини ҳисобга олади. У кўп йиллик меҳнат тажрибаси на- тиясида ўқарчиларни нарма- нинг давридан олиш, суворик- эгитларнинг узунлиги қанча бўлиши кераклигини яқин би- ладди. Чунки гўзалар бир ме- рабда суғурилса, гўза қатор ор- алари култивация учун бир вақтда етилди ва култивация сифати ҳам юқори бўлди.

Д. Олломурадов шу кунлар- да ҳар бир қаргани узоғи би- лан 36 соат ичида сувдан чи- қишга эътибор бермоқда. Об- ҳаво ва тупроқ шароитини, гў- занинг ривожланиш ҳолатлари- ни ҳисобга олган ҳолда сув та- райди. Шунинг учун ҳам Ду- шобой Олломурадов сувчи бў-

либ ишлаётган бригада дала- ларда гўзанинг чанқаб қолгани- га йўл қўйилмайдди. Гўза ҳам- ша яқин ўсиб мўл ҳосил тўп- лайди.

— Яқин «сувчи бўлиш учун, — дейди Душобой Олломура- дов, — бу касбага меҳр қўйиш керак. Шу кунларда гўза ўсиб, эгитларни бекитиб қўйган ва мўл ҳосил тўплайётган даврда эгитма-эрит ораб сувнинг бир теңисда оқилиши қулатиш за- рур. Аёс ҳолда баъзан эгитлар- ни сув қилиб, гўза илдизи оч- либ қолгани мумкин.

Д. Олломурадов аянгина ёш сувчиларни тарбиялаб етишти- ришди. Уларга ўз тажрибасини, сувдан тежаб-тергаб фойдала- нишни ва сувчилик касби сир- ларини ўргатди.

Ҳозир Душобой ака сувчи- лик қилаётган бригадада ҳар гектар ердан 30 центнерлик ҳирмон кўтариш учун замин бу- жудга келтирилмоқда. В. УСМОНОВ.

ТЕРИМ АГРЕГАТЛАРИ ТЕЗРОҚ РЕМОНТ ҚИЛИНСИН

Ўрта Чирчиқ район пахта- корлари бу йил ҳосилнинг 80 процинини машинада териб олишга қарор қилганлар. Ра- йон хўжаликларида пахта те- ридиган техникани ремонт қилиш қизгин олиб боришмоқда. Ай- рим хўжаликларда техника ре- монтини сифатли ўрнатилган натта эътибор бўйлаштир. Охунбобоев номи, «Северний маяк» колхозларида техникани барвақт ва сифатли ремонт қи- либ қўйилган.

Лекин ҳамма хўжаликларда ҳам техника ремонтни ўз вақти- да сифатли ўқатиб, деб бўла- майди. Г. И. Хегай бош ижге- нерлик қилаётган Қуйбисhev номи колхозда пахта терим

машиналарини ремонт қилишда лхин тартиб ўрнатилган. Эҳтиёт исмлар тупроқда бе- ланиб етибди. Механизаторларга қулай шарт-шароит яратиб бе- рилмаган.

Бу аҳволда ремонт қилинган машиналарини умуми ишлаши қилини. Шунингдек, Свердлов номи, Акмал Икромов номи, «Коммунизм» колхозларида ҳам техника ремонтни мақтайдиган даражада эмас. Ремонтдан чиқарилган курак чувиш маши- налари текшириб қўрилганда аянгина камчиликлар борлиги аниқланди ва айрим узеллар текшириб қўрилмаганили маълум бўлди. К. МИРҲОСИЛОВ.



ҚҲШИМЧА ФОЙДА

Тошкентдаги 1-пояфзал фабрикаси коллективни тўқин- зинчи беш йилликнинг учинчи йили тошхоналарини жуваф- факитли бажариш юзасидан бошланган умумхалқ ватан- парварлик ҳаракатида фаол иштирок этиб, мусобақа байроғи- ни тобора баланд кўтаришмоқ- далар. Айни вақтда ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш, янги асбоб-ускуна- ларни жорий қилиш, технология- ни операцияларини такомиллашти-

риш юзасидан тадбирлар амалга оширилди.

Бунинг натижасида маҳсулот реализация қилиш давлат планлари муттасил ортиги би- лан адо этилиб, ишлаб чиқаришнинг барча техник итисодий кўрсаткичлари муттасил яхши- ланмоқда. Масалан, қорхонада шу йилнинг ўтган ойлари мобай- нида қўшимча 200 минг сўм- ликдан кўпроқ маҳсулот, 35 минг жуфт атрофда қўшимча пойафзал реализация қилинди. Меҳнат унумдорлиги 4,4 про- цент ошди. Пиландан ташқари соф фойда микдори 200 минг сўмликдан кўпроқни ташкил этди.

Йил бошидан бери самарали меҳнат қилаётган пойафзалчи- лар зиммаларига янги оширил- ган мажбурият олдилар.

ҚИШГА ЕМ-ХАШАК

Ўзбекистоннинг чорвачилик хў- жаликлари дағал ем-хашак тайёр- лаш планини бажаришди. Қишга 3 миллион 378 минг тонна — бузутар шу вақтидагига нисбатан 75 минг тонна кўп ем-хашак га- раб қўйилди. Ўзбекистон ССР Марказий Статистика бошқарма- сининг навбатдаги ахборотида шундай дейилади. Унда айтилади, ки, Сурхондарё, Андижон, Тош- кент ва Самарқанд областлари-

нинг колхоз ва совхозлари қишга ем-хашак ҳамлаш белгиланган планини анча ошириб бажардилар. Республикада дағал ем-хашак тайёрлаш давом этмоқда, ҳозир ҳар кун хўжаликларда 20 минг тонна ва ундан кўп ем-хашак га- мланмоқда. Чорвачилар 3,5 мил- lion тонна ем-хашак тайёрлайиш, деб берган сўзларининг устидан чиқишга ҳаракат қилмоқдалар. (ЎзТАГ)

МАККАЖҲҲОРИДАН МҲЛ ҲОСИЛ

1-«Оҳангарон» совхозини чорва- дорлари қишлоғига 1,5 йиллик ем- хашак тайёрлаш учун курашмоқ- далар. Совхоз маккажҳҳорикорла- ри шу мақсадда 200 гектар ерга силос учун маккажҳҳори эниб, 4770 ўринга 5 минг тонна силос бостиришга ҳаракат қилишмоқда. Айниқса, Жўра Уролов бошлиқ бригада аъзолари астойдил ишлаб яқин натижаларга эришмоқдалар. Ҳозир бригаданинг шартли суғу- риладиган ерларда етиштирилган маккажҳҳорининг гектаридан 400 центнердан силос бостиришмоқда. Бу бригада аъзолари 50 гектар

ерга дон учун маккажҳҳори эки- налар. Дон учун экилган маккажҳҳори ҳам яқин ва ўз вақтида пар- варлиш қилинган. Бригада аъзола- ри пландаги 35 ўринга 60 центнер- дан маккажҳҳори дони олиш учун курашмоқдалар.

Етиштирилган маккажҳҳори ҳо- сидини йиғиб олишда механизатор- лар Нисонбой Пўлдошев намунали ишламоқда. У ҳар кун беш гек- тар ердан маккажҳҳорини ўриб, 150—180 тоннагача силос тайёр- лайди. Ундан ўрнатилган «Жу- ма» Норбоев ҳам қулни нормаси- ни ошириб бажармоқда. Инженер

Пўлчи Тошмуродов силос бости- ришда хизмат қилаётган механиз- аторларга бевосита ёрдам бера- йпти.

— Маккажҳҳори бу йил яқин бўлди, Шунинг учун пландагидан анча кўп янги 6200 тонна силос бостиришни мўлжаллашмоқда. Бу ҳар беш ситига 10 тоннадан тў- ра келди, — дейди совхоз бош агрономни Турғун Қўчқоров.

Дастлаб хўжаликда 3 минг тон- на сенаж бостиш мўлжалланган эди. Бу план бажарилди. Ишти- лар мавжуд майдонлардаги беда- ни яна инчи марта ўриб, минг тон-

на сенаж бостириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Коммунист механизатор Гани Тураев бошлиқ ем-хашак тайёр- лаш бригадасида ҳам ин қизгин. Бригада аъзолари камида бир ярым йиллик ем-хашак жамғариш учун курашмоқдалар. Улар 200 гектар ердан 100 центнердан ҳосил олинди. Табиий илҳозлардан 473 ўринга 567 тонна хашак тай- ерланди, 2 минг тоннадан зиёд сомон жамғарили.

Т. ХҲШНАЗАРОВ.

КАДРЛАРНИ ҒОЯВИЙ ЧИНИҚТИРИШ МАСКАНИ

РАЙОН САНОАТЧИЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Тошкент шаҳар партия комитетининг марксизм-ленинизм университети яна тингловчилар қабул қила бошлади.

1940 йилда ташкил қилинган бу университет ўз тингловчиларига партия ўқуви системасида олиқ сисий маълумот берувчи йирик ўқув юртига айланди. Бу ерда уч факультет — партия-хўжалик активни, пропагандистлар ва умумий факультетлар, шунингдек район партия комитетларида, корхона ва муассасаларда филиаллар ҳамда поток гуруҳлар ишлаб турибди.

Бу йил тингловчилар қабул қилиш аввали йиллардагидан кўп жihatдан фарқ қилади. Бу ҳақда планлаштирилган кўрсаткичларга қараб ҳам фикр юритиш мумкин. Асосий бўлимлар-

нинг ўзидagina икки ярим минг тингловчи қабул қилиш мўжлазланмоқда. Бу эса ўтган ўқув йилидагига қараганда тўрт юз тингловчи кўпдир. Коммунист ва партиясиз активлардан қарийб икки минг киши университетнинг филиалларида ва қўшма гуруҳларида шуғулланади. Янги тингловчилар орасида кўпгина раҳбар партия, совет, хўжалик, комсомол ва касабасоҳа ходимлари бўлади.

Янги бўлимлар очилмоқда. Ана шу бўлимлардан бири район ва шаҳар партия комитетларининг аъзолари қилиб сайланган, маҳаллий советларнинг депутатлари ва ўрта маълумотли бўлмаган ишчилар учун мўжлазланган. Бўлим программасида илмий коммунизм асослари, фалсафа,

КПСС тарихини ўрганиш кўзда тутилган. Алоҳида-алоҳида машғулотларда активлар партия ва совет қурилиши ҳақида лекциялар тинглайдилар. Пропагандистлар факультет составида университетнинг бир неча йил муқаддам ташкиллаб чиққан сисий мактаб ва назарий семинарларнинг раҳбарларини қайта тайёрлайдиган бир йиллик бўлим, шунингдек сисий ахборотчилар бўлими ишлаб боради. Университетнинг

поток линиялари республиканинг бир қанча министрликлари ва идоралари, партия ташкилотлари ҳузурида ташкил қилинади. Университет ўқитувчилари составига бир қанча юксак малакали кадрлар келиб қўшилади. (Ғ.ТАҒ).


Бекобод райони саноат корхоналарининг ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари меҳнат умумдорлигини ошириш, маҳсулот тайиниҳини арзонлаштириш, сифатини яхшилаш ҳақида янги техника ва технологияни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш борасида аниқгина ишларни амалга оширишмоқдалар.

Шунинг натижасида арзғулик меҳнат ютуқлари қўлга киритилмоқда. Шу кунга қадар пландаги 14.199 минг сўм ўрнига 14.881 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Район саноатчилари ҳал қилувчи йилдан пландан ташқари яна 150 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга сўз бердилар.

ҲАР КУНИ «Ташсельмаш» заводи конвейеридан 29 та пахта териш машинаси туширишмоқда. Янги-терим мавсуми арафасида корхона коллектив айланиса жадал суръа билан ишлаб, туққизинчи беш йиллик учинчи йили план тошқирлашнинг мўддагидан аввал бахариш учун астойдил ҳаракат қилипти. СУРАТДА: корхонанинг беш йилги конвейери. Н. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



ТОЖИКИСТОН. Қайроққулик моҳир гилам тўқувчиларининг номи фақат Тожикистондагина эмас, балки мамлакатимизда ҳам машҳур. Яқинда 13 хил гиламга давлат Сифат белгиси берилди. Суратда: гилам тўқиб чехини кўриб турибсиз.

Д. Симченко фотоси.



КАМЧАТКА. 50 дан ортқ траулер ва бакичлар кemasи Тич океани ҳамда Охот деңизига оға отланмоқда. Август балиқчиликда қўл келувчи фуреат эканини камчаткалик колхоз аъзолари яхши билишади. Суратда: «Красноукск» траулер (Беккерев номи колхоз) сафарга тайёрланмоқда.

Ю. Муравин фотоси.



СМОЛЕНСК. Шаҳардаги каноп комбинати коллективни ўтган етти ой ичида мўжлазлагидан 8 миллион метр ортқ газмол туқиб чиқарди. Маҳсулотининг сифатини ошириш, харадорбон қилишда расомлар ҳам муносиб улуш кўрмоқдалар. Суратда: контролерлар О. Глушенкова ва Л. Кулагиналар тайёр маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.

В. Кунов фотоси. ТАСС фотохроникаси

МЕХНАТ ИНТИЗОМИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ

Ўтган йили «Оққўрғон» совхозини заршунослари давлатга қарийб 11 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Бу ютуқнинг қўлга киритилишида 5-бўлим деҳқонларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Коммунистлар, айниқса, меҳнатда ўрнатқ кўрсаткичлар. Чех партия ташкилотини оммавий-сисий, ташкилий-тарбиявий ишларни амалга ошириш, меҳнатчиларнинг кўчғайратини план ва мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этди. Меҳнат интизоми аниқ мустаҳкамланди. Натижада 520 гектар ернинг ҳар гектаридан 36,77 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 1475 тонна ўрнига 1912 тонна пахта етказиб берилди. Машина терими плани ҳам ортқ билан бажарилди.

Чех партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йилгилишида бўлим коммунистлари ютуқларини янада мустаҳкамлаш, ҳосилдорлигини ошириш, бунинг учун эса партиявий-ташкилий, оммавий ишларни янада жонлантириш тўғрисида маслаҳатлашиб олдилар.

Бўлим партия бюроси секретари А. Микитов ҳисобот доклады қилди. Йилгилишида коммунист меҳнатчилар Эргаш Жонизов, Турлибек Ҳоқов, Уринбой Тўлабоев, сувчилардан В. Бобоев, Н. Тожимуродов, М. Эсонбоевларнинг ибратли ишлари бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатилди. Буларнинг ҳар бири аввало меҳнатда бошқаларга ўзлари ўрнак кўрсатмоқдалар. Сисий ташкилотчи, агитатор сифатида ҳам омма орасида тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар.

Меҳнат интизоми — дала ишларини сифатли бажаришнинг меъодидир. Доислачи ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар коммунистнинг бурчи ва масъулиятини ҳақида алоҳида тўхтадилар. Август ҳосил тўлалишида ҳал қилувчи ой. Ана шу даврда айниқса, ишчи бўлаштирашнинг лозимлигини таянқидилар. Ленин айрим коммунистлар гўзамизининг ри-

вожи яхши, мажбуриятдаги ҳосил бор деб хотиржамликка берилмоқдалар. Коммунистлар бошқиб айрим эвеноларда кейинги кунларда гўза парварини тўхтатиб қўйди. Коммунист сувчи ўртоқ С. Ибродимов ҳам ҳосил тақдирини сувчилар қўлида эканлигини унутиб қўймоқда.

Йилгилишида чех партия ташкилотининг ҳисобот доклады олиб борган оммавий-сисий-ташкилий ишлари ҳам атрафлича таҳлил этилди. Партия сисий ўқуви аниқ дуруст йўлга қўйилганлиги таъкидланди. Пропандист М. Тўлаев марксизм-ленинизм асослари мактабиде машғулотларнинг мунтазам равишда уюшқоқлиги билан юксак савияда ўтишини таъмин этди.

Дала шйлонларида 16 агитатор, тўрт сисий ахборотчи,

нотқлар агрономнинг фаолиятидаги камчиликларни рўй-рост олиб ташладилар. Ишга соғуқонлик билан муносабатда бўлганлиги, натижада аниқгина мадонларда гўзани ҳашарот босиб кетганлигини мисоллар билан кўрсатиб бердилар. Бу маъносиз таърибларни ахлатишга эга бўлди. Бўлим партия ташкилотчи чорвачиликда ишлаётган коммунистларнинг масъулиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда. Янгида ташкил этилган эмхалак бригадасига Турсунбой Оллоеров ишга юборилди. Бу бригадарида беда тайёрлаш йиллик плани иккинчи ўримдаёқ бажарилди. Бригада аъзолари дон учун 40 гектар ерга экилган маккажўхориининг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Музокарада сўзга чиққан

ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИГИЛИШЛАРИ

15 сисий ташкилотчи иш олиб бормоқда. Улар деҳқонлар ўртасида турли темаларда сўз баянлашмоқдалар. Агитаторлар ўз сўхбатларида илгорлар таърибасини оммалаштиришга алоҳида эътибор беришайпти.

Ҳисобот доклады партия йилгилишларининг роли ва таъсирчанлигини ошириш юзасидан ҳам бирмунча ишлар қилинди. Бундан беш-олти йил илгари партия йилгилишларида асосан хўжалик ишларига оид масалалар муҳомама қилинган эди. Янгилишида бундай камчиликка барҳам берилди. Партия ташкилотчи ўз дала йилгилишларида кўпроқ партиявий-сисий, оммавий ишларни жонлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳомама этмоқдалар. Коммунистларнинг ҳисоботини эшитиб туриш ҳам яхши аниқлана айланиб қолди. Жумладан бўлим агрономи коммунист Аширбек Эсонбоевни ҳисоботи эшитилди. Сўзга чиққан

коммунистлар бўлим партия бюроси фаолиятидаги камчиликларини ҳам бирма-бир айтиб ўтидилар. Ҳисобот доклады илгор хотин-қизлардан бирон киши ҳам КПСС сафига қабул этилмади.

Бўлим меҳнатчиларининг маданлий ва маъний турмушини яхшилаш юзасидан ҳам амалга оширилган ишлар қўнғарли эмас. Бўлимда клуб йўқ. Совхоз директори Жуман Эзичбоев ҳар йили клуб қуриш ва бу ишни тезлаштириш тўғрисида ваъда беради, лекин бу ваъдасининг удадидан чиқиб учун ҳаракат қилмайди. Коммунист М. Абдурахмонов ҳам ана шу ҳақида таъкидди. Бўлимда ободончилик ишларини ҳам жонлантириш керак. Бунинг учун ҳақима имконият бор, деб айтди у.

Мактаб ўқитувчиси М. Тўлаев меҳнат интизомининг янада мустаҳкамлаш, ҳар бир коммунистнинг тошқирланган иш

учун масъулиятини, активлигини ошириш ҳақида сўзлади.

— Комсомоллар, — деди у, — партияимизнинг жанговар ёрдамчилари. Ленин бўлим партия ташкилотининг комсомолга раҳбарлик соҳасидаги ишлари талабга жавоб бермайди.

Ешларни спорт ишларига кенг жалб этиш керак. Бунинг учун эса зарур шарт-шароитларни яратиш бериш талаб этилади. Ҳозирча бу соҳада гам-хўрлик қилинмапти. Айрим коммунистлар ўзларининг сисий билмларини ошириш ишига бефарқ қарамоқдалар. Бригада бошлиғи С. Усмонов қирқ-центнерчилар ҳаракатини кучайтириш, ҳақида таъкидди.

— Бунинг учун, — деди у, — шу кунларда далада ишчи бўлаштираш керак. Айниқса машина теримига пухта тайёргарлик кўриш лозим.

— Ўтган йили, — деди эвено бошлиғи коммунист Х. Азизбоев, — ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил олган эдик. Бу йил 66 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олишга бел боғлаганимиз. Бунинг учун бизнинг ҳар биримиз масъулиятини тўла ҳис қилган ҳолда ишлашимиз лозим.

Ҳисобот сайлов йилгилишида беш йиллик планларининг бажарилишида коммунистларнинг активлигини ошириш бош масала қилиб қўйилди. Бу йил қиллоқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича анимга олишга мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун кураш қилиш бормоқда. Бўлим меҳнатчилари Ўзбекистон Компартияси ҳамда Ўзбекистон республикаси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун барча имкониятларни, резервларини ишга солишлари керак.

Ҳисобот-сайлов йилгилишида партия бюросининг янги состави сайланди. Бўлимда оммавий-сисий-партиявий ишларни кучайтириш, хўжалик фаолияти устидан назоратни яхши йўлга қўйиш, комсомолга раҳбарлигини яхшилашга қаратилган қарор қабул қилинди.

Т. ГАНИБЕВ.

ЧИРЧИҚ шаҳридаги болалар пойафзал фабрикасининг илгор ишчиси Э. Жўраев туққизинчи беш йиллигининг тўртинчи йили ҳисобига меҳнат қилмоқда. У смене топшириқларини 140—150 процент бажармоқда. Унинг қўлидан чиққан маҳсулот сифати юқори. СУРАТДА: беш йиллик зарбдор Э. Жўраевни кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.

Р. ИНОГОВОМОВА.

КОЛЛЕКТИВ ФАХРИ

ИШЧИ НОМИ — ШАРАФЛИ НОМ

Одам қадрини меҳнат оширадиган, деган нақлнинг қанчалик тўғрилигини кеска ишчи Марҳамат ака Марасулов ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Марҳамат ака кўп йиллардан бунён Чирчиқдаги ўтга, чидамли ва қаттиқ қотишмалли металл комбинатида ҳалол меҳнат қилиб келади. У 1938 йили Ўрта Осиё электротехника билан юртини тугатиб, дастлаб Чирчиқдаги электротехника комбинатида ишга келди. Тез орада тириққоқлиги, ишбилармонлиги билан кўзга кўрилиб қолди, ўз касбини пухта эгал-

лади. Бу орада уруш бошланди. Ватанимизнинг асл фарзандлари қатори Марҳамат ака ҳам фронтга отланди.

Урушдан сўнг Марҳамат ака қадрдон Чирчиққа қайтди, ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалли металл комбинатида ишга кирди. Ўша вақтдан бунён шу корхонанинг металлургия цехида оловкорлик қасбиде ишлаб келмоқда.

Таърибали ишчи кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида кўплаб шогирдлар тайёрлади.

Ишда ўзи уларга доимо намуна. Шу бундан мажур чехда ҳал қилувчи йилнинг ойини ва квартал планларни ортқ билан бажаришмоқда.

Яқинда Марҳамат ака бошчилигида корхонада химия участкаси ташкил этилди. Бу ерда металл қолдиқлари, молибд тузалари қайта ишланган. Партия ва ҳукуматимиз кеска ишчи Марҳамат Марасуловнинг кўп йиллик ҳалол меҳнатини неча бор орден ва медаллар билан шу қасб тақдирлаган.

Р. ИНОГОВОМОВА.

МУНОСИБ ҲИССА

группаси ва 127 та поста бир-лашиб, ўтказилган рейдларда ахти ишпирок этмоқдалар.

Халқ назоратчилари меҳнатчилар депутатлари район, шаҳар, посёлка ва қиллоқ советлари доимий комиссиялари ҳамда прожекторчилар билан ҳамкорликда шу йилнинг ўтган ойлари давомида 900 дан ортқ рейд ва текширув ўтказдилар. Район халқ контроли комитети эса ўз активлари билан 73 та текширув ўтказиб, бу текширувларнинг 27 тасини комитет мажлисида муҳомама қилди. Муҳомама давомида жавобгар шахслар жиддий жазоланди, аниқланган камчиликларини бартараф этиш тадбирлари белгиланди. Кўпгина муҳим текширишларнинг яқунлари эса рай-

он ижроия комитети мажлисида муҳомама қилинди.

Халқ назоратчилари ҳамма ерда ўз вазифаларини сидиқдилдан адо этмоқдалар. Т. Жўраев бошқиб 14-«Хўжакеч» совхозини, Н. Қобулов бошқиб Жданов номили колхоз назоратчилари айниқса активлик билан меҳнат қилмоқдалар. Улар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот етиштиришни кўйатириш устида янги қайғурмоқдалар. Чорвоқ ГЭСи бош ишбозлар қурилиш халқ контроли группасининг аъзоси У. Умурзоқов, Фрузе номили колхоз халқ контроли группасининг раиси Н. Дуйсбоев, жамоатчилар В. Баратов, М. Елнуцов ва бошқа ўртоқлар район халқ контро-

ли комитети ўтказилган рейдларда ахти қатнашмоқдалар. Жамоатчилик ишда ҳалол ишпирок этган назоратчилар ўз меҳнатларида яраша йил сайна рағбатлантириб бормоқда.

Район халқ контроли комитети группа ва постлар жамоатчиларини янада ошириш устида алоҳида гамхўрлик қилмоқда. Яқинда биз район халқ контроли активининг йилгилишини ўтказдик. Бу йилгилишида КПСС Марказий Комитети декабри (1973 йил) Пленуми қарорлари асосида назоратчилар олдига турган вазифалар муҳомама қилинди. Ҳозир барча жамоатчиларнинг диққат-эътибори ма-на шу вазифаларни бажаришга қаратилган.

Ғалла йигим-терими янги бошланган мезларда Фрузе

номли колхоз халқ контроли группаси аъзолари ажойиб таъсис билан чиқдилар. Улар бошқиб экинлар ҳосилини қисқа мўддатларда нес-нобуд қилмай тўла йилги-териб олиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилан олдилар. Бу тадбирлар район халқ контроли комитети томонидан маъзулланди ва район газетаси саҳифасида ёзлон қилинди. Ташаббускорлар белгиланган тадбирлар бошқалар учун ҳам қўл келди. Шундан кейин райондаги барча галлакор хўжаликлари аниқ график тузиб олган ҳолда бошқиб экинлар ҳосилини йилги-териб олишга киришдилар. Бу тадбир пировардида галлакорлар муваффақиятини таъминлади.

Афсуски, ҳали ҳам баъзи

бир хўжаликларида назоратчиларнинг қудратли кучига етарлича баҳо берилмапти. Калинин номили колхоз, 13-«Бўстонлик» совхоз каби хўжаликларида назоратчилар ўтказилган рейдлар давомида маълум бўлган камчиликларини бартараф этишда зарур ёрдам кўрсатилмапти. Назоратчилар бошлаб бераётган ташаббуслар ўз вақтида қўллаб-қувватланмапти. Бунинг оқибатида жиддий нуссонлар, ҳас-пўшланиб, халқ мулғига ҳиёнат қилган эгри қўлларнинг жиний иш ҳам босиб-босиб қилиб кетилмоқда. Бундай ҳолларга нисбатан биз доимо муросаса бўлишимиз керак. Халқ назоратчилари ишга амалий раҳбарлик қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳар бир партия ташкилоти, корхона ва хўжалик раҳбарларининг асосий вазифаси бўлмоғи лозим.

Ш. МҲИДИНОВ.

Бўстонлик район халқ контроли комитетининг раиси.

